

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03.30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АССОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭЛОВА ДИЛРАБО ҚУДРАТИЛЛАЕВНА**

**ЎЗБЕК ТИЛИ КОРПУСИ БИРЛИКЛАРИНИНГ УСЛУБИЙ  
ТЕГЛАРИНИ ЯРАТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ЛИНГВИСТИК  
ТАЪМИНОТИ**

**10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

УЎК: 811.512.133.93

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации

Content of the abstract of doctoral (PhD) dissertation

Элова Дилрабо Қудратиллаевна  
Ўзбек тили корпуси бирликларининг услубий тегларини яратиш  
тамойиллари ва лингвистик таъминоти.....3

Элова Дилрабо Қудратиллаевна  
Принципы создания и лингвистическое обеспечение стилических  
обозначений единиц корпуса узбекского языка.....31

Elova Dilrabo Qudratillayevna  
Principles of creation and linguistic support of stylistic designations  
of units of the Uzbek language corpus.....59

Эълон қилинган ишлар рўйхати  
Список опубликованных работ  
List of published works.....63

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03.30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АССОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭЛОВА ДИЛРАБО ҚУДРАТИЛЛАЕВНА

ЎЗБЕК ТИЛИ КОРПУСИ БИРЛИКЛАРИНИНГ УСЛУБИЙ  
ТЕГЛАРИНИ ЯРАТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ЛИНГВИСТИК  
ТАЪМИНОТИ

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Fil12705 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг вебсаҳифасида (<https://www.tsuull.uz>) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

|                            |   |
|----------------------------|---|
| <b>Илмий раҳбар:</b>       | <b>Хамраева Шахло Миржоневна,</b><br>филология фанлари доктори (DSc), доцент  |
| <b>Расмий оппонентлар:</b> | <b>Холманова Зулхумор Турдиевна</b><br>филология фанлари доктори, профессор<br><b>Холиёров Ўрал Менглиевич</b><br>филология фанлари доктори (PhD), доцент |
| <b>Етакчи ташкилот:</b>    | <b>Қарши давлат университети</b>  |

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича илмий даражалар берувчи DSc.03.30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «2» 11 соат 12:00 таги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Тел: (71) 281-42-44; факс: (71) 281-42-44; факс: (71) 281-42-44, ([www.tsuull.uz](http://www.tsuull.uz)).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (221 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103 уй. Тел: (71) 281-42-44; факс: (71) 281-42-44; факс: (71) 281-42-44, (<https://www.tsuull.uz>).

Диссертация автореферати 2022 йил «24» 10 куни тарқатилди.

(2022 йил «24» 10 1-сентябрдаги рақамли реестр баённомаси).

  
**Ш.С.Сирожиiddинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор  
**Қ.У.Пардаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент  
**С.Х.Мухамедова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## **Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида компьютер ва корпус лингвистикаси муаммоларини ўрганиш жараёни жадаллашди. Ахборот-қидирув тизими, автоматик таржима, тезаурус, электрон луғатлардан фойдаланиш, матнга автоматик ишлов бериш имконияти кенгайди, тил корпусларининг мақсадига кўра фарқ қилувчи кўплаб турлари пайдо бўлди. Сунъий интеллектнинг магнии автоматик қайта ишлаш соҳалари кенгайиши тилни тадқиқ этиш, лингводидактика, лексикография, таржимонлик, стилистика (услугият) борасидаги тадқиқотларда компьютер лингвистикаси ютуқларидан кенг фойдаланиш долзарб вазифалардандир.

Дунё тилшунослигида жадал ривожланаётган компьютер лингвистикаси йўналишида табиий тилга ишлов бериш, сўров бериш ва жавоб олиш сифатини яхшилаш, лингвистик тадқиқот, лингводидактика, лексикографияда корпуслардан фойдаланиш долзарб масалага айланди. Тилшуносликда, хусусан, компьютер лингвистикаси соҳасида корпус бирликларини танлаш, уларни лингвистик, жумладан, морфологик, семантик, синтактик ва стилистик теглаш, стилистик теглар тизимини ишлаб чиқиш, тил корпуси учун махсус ахборотларни қамраб олган услубий хосланишини фарқловчи лингвистик таъминот яратиш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда.

Истиклол йилларида компьютер лингвистикасида автоматик таржима, тил корпусларини тузиш, корпусларнинг турли имкониятлари алгоритмларини ишлаб чиқиш борасида қатор ишлар амалга оширилган. Бинобарин, барча илмий йўналишлар қаторида тилшуносликда ҳам фанлар интеграцияси бўйича чуқур изланишлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади. Мамлакатимизда “Ўзбек тилига оид барча илмий, назарий ва амалий маълумотларни ўзида жамлаган электрон кўринишдаги ўзбек тили миллий корпусини яратиш”<sup>1</sup>, ўзбек тилининг замонавий ахборот-коммуникация тизимида кенг қўлланишига эришиш, миллий-маданий меросини ўрганиш, она тили таълимида электрон ресурсларни кўпайтириш, шунингдек, ушбу ресурслардан таълим олувчиларнинг чегараланмаган ҳолда фойдаланишини таъминлаш, миллий-маънавий тарбияга хизмат қилувчи маданий мерос ҳамда ўқув луғатларини бир платформага тўплаш долзарб вазифага айланди. Ушбу тадқиқотда ўзбек тили корпусларида сўз ва қўшимчаларнинг услубий хослигини фарқлаш функциясини ишга тушириш, услубий ахборот берувчи теглар тизимини яратиш, ўзбек тили лексик бирликларининг услубий хосланиш базасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Бу эса республикамизнинг ижтимоий ривожланишини таъминлайдиган илмий ва технологик захираларни шакллантиришга хизмат қилади. Ўзбек тили корпусларида сўз ва қўшимчаларнинг услубий хослигини фарқлаш функциясини ишга тушириш, услубий ахборот берувчи теглар тизимини яратиш, ўзбек тили лексик бирликларининг услубий хосланган

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6084-сон фармони // <https://lex.uz/docs/5058351>

теглар базасини ишлаб чиқиш корпус лингвистикаси олдида турган долзарб вазибалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4997-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сийёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган мақсад ва вазибаларни амалга ошириш жараёнига ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар таракқиётининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иктисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иктисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тилшунослигида корпус лингвистикаси янги соҳа бўлишига қарамай, ушбу йўналишда яратилган мақсадли тадқиқотлар талайгина. Браун корпуси тузувчилари Н.Френсис, Г.Кучераларнинг корпус тузиш принциплари ҳақидаги фикрларини, рус тилшунослигида В.Захаров, А.Кутузов, Е.Недошвина, В.Риков, В.Плунгянларнинг назарий ва амалий тақлифларини корпус борасидаги дастлабки тадқиқотлар<sup>2</sup> сифатида баҳолаш мумкин. Бу мутахассислар корпус, унинг турлари, ўзига хос хусусияти, корпуснинг ижтимоий аҳамияти, корпус тузиш тамойиллари масаласини ўрганишган<sup>3</sup>. Жаҳон тилшунослигида услубият тадқиқи жуда узок тарихга эга бўлса-да, тил корпусларида услубий хосланишни аниқлаш функцияси тадқиқи бизга маълум

эмас. Ўзбек корпус лингвистикаси шу каби изланиш ва амалий ишланмалар билан ўзига хос тадқиқ йўлига эга бўлиб бормоқда.

Ўзбек тилшунослигида стилистика кенг тадқиқ этилган соҳалардан бири. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўзбек тилшунослигида услубиятнинг предмети, методлари, асосий категориялари, нутқ услубларининг таснифи, экстралингвистик/лингвистик факторлар, уларнинг ўзаро муносабати каби қатор масалаларга аниқлик киритишга кенг эътибор қаратилди. Ўзбек тилининг функционал услублари қатор тадқиқотлар объекти бўлиб, монографик ишлар ва турли мақолалар<sup>4</sup>да функционал услуб, тил

<sup>4</sup> Хўжаниёзов Э. Атрибутив бирикми – услубнинг сифат фарқларини кўрсатувчи восита // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983. – №3. – Б.54; Шукуров Р. Синтактик параллелизмнинг услубий вазибалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004. – №2. – Б.72; Жуминиёнова М. Хоразм халқ кўшиқлари лексикасининг бадий-услубий хусусиятларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. – №4. – Б.68; Шукуров Н. Индивидуал услуб ва бадий тил // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972. – №3. – Б.3-9; Шукуров Н. Бадий услуб ва бадий тил // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972. – №4. – Б.16-20; Хўжаниёзов Э. Атрибутив бирикма илмий китоб услубида изчиллик таъминловчи восита сифатида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1980. – №2. – Б.37-40; Раҳимжонов Н. Ҳаёт материали ва индивидуал услуб (Асқад Мухтор шеърини услуби ҳақида) // Ўзбек тили ва адабиёти, 1980. – №6. – Б.17-21; Кўчимов Ш. Қонунларнинг тил ва услубидаги муаммолар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1992. – №1. – Б.59; Абдурахмонов Ф. Ҳозирги замон ўзбек тилининг адабий услуби ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти журнали, 1992. – №5-6. – Б.28; Умуруқов Б. Бадий нутқда умумийсезим сўзларнинг қўлланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 1993. – №1. – Б.39; Каримов С. Ерданчи сўз туркумларининг бадий услубдаги қўрилари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1993. – №1. – Б.61; Абдурахмонов Ф. Ўзбек нутқ услубини янгилик воситалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1994. – №3. – Б.22; Абдурахмонов Ф. Абдулла Қодирини услуби ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1994. – №4-5-6 (қўшма сон). – Б.38; Мамажонов А., Махмудов У. Таркибий таъбир – услубий восита сифатида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1997. – №1. – Б.30; Абдураев А. Газета очеркларининг тили ва услуби // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005. – №2. – Б.41; Қосимова М. Тоғай Мурод асарларида феълларнинг услубий хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005. – №6. – Б.105; Худойберганова Д. Ўзбек тили ва адабиёти наслрий матнинг лисоний хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006. – №6. – Б.65; Тўраев Д. Ўзбек тилининг нутқий маҳорати (И.Солиқовнинг “Нутқ ва услуб” (Тошкент, 2002) китоби ҳақида) // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004. – №4. – Б.86; Абдураев А. Фоностилистик воситаларнинг ўрганилишига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1985. – №2. – Б.24; Содиқова М. Шах-сон формалари ва уларнинг грамматик-стилистик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1974. – №4. – Б.32-36; Пардаев А. Билан кўмакчисининг функционал-стилистик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004. – №4. – Б.71; Худойберганова Д. Сўз тартибининг ўхшашлиқ конструкциясидаги синтактик-стилистик функцияси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1984. – №6. – Б.49; Мамажонов А. Тақдор ва унинг синтактик-стилистик функцияси // Ўзбек тили ва адабиёти журнали, 1986. – №6. – Б.59; Ҳакимов М. Лингвистик прагматиканинг семантика ва стилистика билан муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти, 2000. – №2. – Б.28; Қилчиев Э. Антонимларнинг стилистик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1984. – №2. – Б.55; Бобоева С. Ҳамид Олимжон асарларида антонимларнинг стилистик қўлланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 1988. – №3. – Б.69; Содиқова М. Чикмоқ феълнинг семантик-стилистик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989. – №2. – Б.60; Ризаев С. Туркий тилларни стилистик ва информатив ўрганиш масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1970. – №5. – Б.84-85; Содиқова М. Ўзбек тили стилистикасининг базис масалаларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1971. – №6. – Б.30-33; Абдурахмонов Ф. Стилистик нормалар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1969. – №6. – Б.50-52; Содиқова М. Шах-сон формалари ва уларнинг грамматик-стилистик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1974. – №4. – Б.32-36; Абдуллаев А. Кўчирма гапни конструкцияларда нутқ феълларининг стилистик функцияси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1975. – №4. – Б.54-57; Турдалиев Б. Ҳамза асарлари тилида интернационал лексик кўпчилигининг стилистик роли ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1976. – №2. – Б.82-24; Қилчиев Э. Айниқ асарларининг антропонимларнинг стилистик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, -1978. – №4. – Б.21-24; Рустамов Ҳ. Уюшқ бўлакли гаплар стилистикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1979. – №6. – Б.50-53; Муминов К. Инкор категориясининг айрим стилистик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1981. – №4. – Б.26; Қўчқортоев И., Низомхонов Ҳ. Бадий асарнинг текстуал вариантлари-лингвистик тадқиқот объектларидан бири // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983. – №6. – Б.15; Қилчиев Э. Антонимларнинг стилистик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1984. – №2. – Б.55; Бобоева А. Газета бош мақоласининг лингвистик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1987. – №2. – Б.56; Холқов Ҳ. “Синтаксис”да қўлланган ушбу маълумларнинг стилистик хусусиятлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1987. – №4. – Б.43; Бобоева С. Ҳамид Олимжон асарларида антонимларнинг стилистик қўлланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 1988. – №3. – Б.69; Қўнуров Р. Ўзбек тилини стилистик жиҳатдан ўрганишнинг аҳоли ва наватдаги

<sup>2</sup> Френсис Н., Кучера Г. Вычислительный анализ современного американского варианта английского языка. – М., 1967.

<sup>3</sup> Кутузов А. Б. Корпусная лингвистика. – (Электрон ресурс): Лицензия Creative Commons Attribution Share-Alike 3.0 Unported (Электрон ресурс) //lab314.brsu.by/kmp-lite/kmp-video/CL/CorporLingva.pdf, Недошвина Е. В. Программы для работы с корпусами текстов: обзор основных корпусных менеджеров. Учебно-методическое пособие. – Санкт-Петербург. – 2006. – 26 с.; Риков В. В. Курс лекций по корпусной лингвистике. URL: <http://rykov-cl.narod.ru/c.html>; Плунгян В. Зачем мы делаем Национальный корпус русского языка? “Отечественные записки” 2005, №2. [http://magazines.russ.ru/oz/2005/2/2005\\_2\\_20-pr.html](http://magazines.russ.ru/oz/2005/2/2005_2_20-pr.html).

бирликларининг услубий хусусиятлари, бадий асар тили услуби, маълум жанрга хос услублар, турли стилистик воситаларининг хусусиятлари, услубий меъёрлар, грамматик шаклларнинг услубий хоссалари, турли қурилишли гап қурилмаларининг услубий ўзига хослиги хусусида бахс юритилган. Илмий тадқиқотлар илгари, асосан, бадий адабиёт материаллари асосида олиб борилган бўлса, кейинги йилларда лингвистик тадқиқотлар учун нутқ услубларининг барчаси объект қилиб олина бошланди.

Ўзбек тилшунослигида компьютер ва корпус лингвистикаси йўналишида қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Ўзбек тили корпусларида бирликларни услубий теглаш масалалари махсус тадқиқ объекти бўлмаган, аммо компьютер лингвистикасининг айрим муаммолари, чунончи, ҳаракат феъллари асосида компьютер дастурлари учун лингвистик таъминот яратиш<sup>5</sup>, ўзбек-инглиз тили машина таржимасининг лингвистик таъминоти<sup>6</sup>, ўзбек тили муаллифлик корпусини тузиш тамойиллари<sup>7</sup>, ўзбек тили бирликларининг графематик таҳлил қилиш муаммолари<sup>8</sup>, тил корпуси лингвистик базасини тузиш тамойиллари<sup>9</sup> монографик планда ўрганилган.

Шунингдек, матнга автоматик морфологик, семантик ишлов бериш, тил онтологияларини яратиш<sup>10</sup> борасида қатор ишлар амалга оширилган.

вазифалар //Ўзбек тили ва адабиёти. 1988. – №4. – Б.25; Худойбергана Д. Ўхшатиш эталонининг семантик-стилистик хусусиятлари //Ўзбек тили ва адабиёти. 1988. – №1. – Б.59; Тошалиев И. Стилистик норма ва унинг асосий белгилари (иккинчи мақола) //Ўзбек тили ва адабиёти, 1990. – №2. – Б.27; Махмудиев Ш. Эпитетлар стилистик формулалар таркибиди аънанавий элемент сифатида //Ўзбек тили ва адабиёти, 2006. – №3. – Б.68; Маматова Х. Таржимада стилистик эффектни инфодалаш йўллари (Пушкиннинг икки шеъри шоира Зулфия таржимасида) //Ўзбек тили ва адабиёти, 1979. – №3. – Б.45-49.

<sup>5</sup> Мухаммедова С. Ҳаракат феъллари асосида компьютер дастурлари учун лингвистик таъмин яратиш. Методик қўлланма. – Тошкент, 2006.

<sup>6</sup> Абдурахмонова Н. З. Инглизча матнларни ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг лингвистик таъминоти (Соғда гаплар мисолида). Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. афтореф. – Тошкент, 2018. – 52 б.

<sup>7</sup> Хамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Қарши, 2018. – 150 б.

<sup>8</sup> Абжалова М.А. Ўзбек тилидаги матнларни таҳрир ва таҳлил қилувчи дастурининг лингвистик модуллари (Расмий ва илмий услубдаги матнлар таҳрири дастури учун): Филол. фан бўйича фалсафа док. (PhD) дисс. – Фарғона, 2019. – 164 б.; Абжалова М. Матнларга автолингвистик ишлов бериш тизимлари // Междоународная конференция по компьютерной обработке тюркских языков «TurkLang-2018». (Труды конференции) – Ташкент, 2018. – 320 с.

<sup>9</sup> Эшмўминов А.А. Ўзбек тили миллий корпусининг синоним сўзлар базаси: Филол. фан бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Қарши, 2019. – 140 б.

<sup>10</sup> Мухамедова С. Компьютер лингвистикаси (методик қўлланма). – Тошкент, 2007; Пўлатов А., Мухамедова С. Компьютер лингвистикаси (ўқув қўлланма). – Тошкент, 2008 – 98 б.; Пўлатов А. Компьютер лингвистикаси. – Тошкент: Академнашр, 2011. – 520 б.; Раҳимов А. Компьютер лингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2011. – 160 б.; Пўлатов А.К., Алиходжаев Б., Джураева Н. Разработка программы компьютерного анализа и синтеза глаголов узбекского языка // ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент, 2002. – №2. – С. 17-19; Пўлатов А.К., Мўминова Т., Пўлатова И.О. Дуэвий ўзбек тили (Ўзбек тилида феълнинг шакллари ва уларнинг рус, инглиз тилларида берилиши). – Тошкент: Университет, 2003. – 404 б.; Ўринбоева Д. Халқ оғзакчи ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаммолари: Филол. фан. докт. (DSc) дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. – 74 б.; Ахмедова Д. Атов бирликларининг ўзбек тили корпуслари учун лексик-семантик теглашнинг лингвистик асос ва моделлари: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Бухоро, 2020. – 156 б.; Хамроева Ш. Ўзбек тили морфологик анализаторининг лингвистик таъминоти. Филология фанлари доктори (DSc) дисс. автореф. – Фарғона, 2021. – 78 б.; Абжалова М.А. Ўзбек тили онтологиясини яратиш тамойиллари: Филология фанлари доктори (DSc) дисс. автореф. – Фарғона, 2022. – 78 б.; Холієров Ў. Ўзбек тили таълимий корпусини тузишнинг лингвистик асослари. Филол. фан. бўйича фал. док-ри. (PhD) дисс. автореф. – Термиз, 2021. Абдурахмонова Н. Электрон корпусларининг компьютер моделлари: Филология фан. д-ри. дисс. авт. т. – Тошкент, 2021.

Юқорида тилга олинган тадқиқотларда ўзбек тили корпуси бирликларини услубий теглаш масаласи кун тартибига қўйилмаган. Диссертацияни тайёрлаш жараёнида юқорида санаб ўтилган илмий изланишлар атрофлича ўрганилди, зарур ўринларда уларга муносабат билдирилди ва улардан тадқиқотда фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёт университети илмий-тадқиқот режасига мувофиқ “Ўзбек тили имкониятларидан самарали фойдаланишнинг лингвистик ва дидактик муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек тили корпуси бирликларининг услубий теглар тизимини, ўзбек тилидаги лексема ва кўмакчи морфемаларни услубий хосланишига кўра теглаш ва уларнинг лингвистик таъминотини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек тили корпуси қидирув тизимида услубий хосланганлик белгисини фарқлашнинг аҳамиятини аниқлаш;

ўзбек тили корпуси услубий теглари тизимининг назарий асосларини ишлаб чиқиш;

ўзбек тили лексик бирликларининг услубий хосланиш базасини шакллантириш;

кўп маъноли ва омоним сўзларнинг услубий хосланиш базаси учун филтёр ва модел ишлаб чиқиш;

ёрдамчи сўзларнинг услубий хослигини аниқлаш механизминини ишлаб чиқиш;

қўшимчаларни услубий теглаш ва уларнинг лингвистик базасини шакллантириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўзбек тилининг услубий хосланган бирликлари таълашган.

**Тадқиқотнинг предметни** ўзбек тили корпуси бирликларининг услубий теглари тизими ва уларнинг лингвистик таъминотини ишлаб чиқиш масаласи ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек тили корпуси қидирув тизимида лексик, морфологик бирликларнинг услубий хосланганлик белгисини фарқлашнинг лингвистик, лингводидактик аҳамияти аниқланиб, ўзбек тили стилистикаси асосида ўзбек тили корпуси учун услубий теглар тизимининг асослари далилланган;

ўзбек тили лексик бирликлари услубий хосланиш базасини шакллантиришнинг назарий асослари ишлаб чиқилиб, ўзбек тили лексикасига оид эскирган сўз, шева ва атама каби чегараланган лексикага оид бирликларнинг услубий хосланиш базаси шакллантирилган;

Ўзбек ва инглиз тилларидаги услубий хосланган сўзларнинг семантик ва структур хусусиятлари очиб берилиб, чегараланган лексикага оид сўзларнинг услубий хусусиятларини кўрсатувчи маълумотларга ишлов беришда ахборот-қидирув тизими учун ўзбек тили лексик бирликларининг услубий лингвистик омиллари аниқланган;

Ўзбек тилидаги сўз ясовчи, луғавий шакл ясовчи, синтактик шакл ясовчи кўшимчаларнинг услубий хосланишини автоматик аниқловчи дастурни ишга тушириш учун услубий аннотациялаш ва уларнинг маълумотлар базасини яратишнинг лингвистик асослари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбек тили корпусларида сўз ва кўшимчаларнинг услубий хослигини фарқлаш функцияси, услубий белгилар асосида қидирув ишга туширилган;

Ўзбек тилидаги сўзлар ва кўмакчи морфемаларнинг услубий хосланишига асосланган теглар тизими ишлаб чиқилган;

Ўзбек тили лексик бирликларининг услубий хосланиш базаси шакллантирилган;

“Ўзбек тилининг таълимий корпуси”да услубий белги асосидаги қидирув тизими ишга туширилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ўрганилган материал асосида ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилингани, методологик мукамаллиги, ўзбек тили корпусини яратиш тамойилларини тузишда амалда исботланган манбаларга таянилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тили корпусларини яратишнинг назарий асосларини ишлаб чиқишда, компьютер лингвистикаси йўналишида тадқиқотлар яратишда илмий-назарий манба сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти корпус лингвистикасининг фан сифатида ўқитилиши жараёнида дастур, режалар тузиш, мавзуларни баён этишда манба, тил таълимида таълимий ресурсларни шакллантириш воситаси вазифасини ўташи билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек тили корпуси бирликларининг услубий тегларини яратиш тамойиллари ва лингвистик таъминоти мавзусида олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида: ўзбек ва инглиз тилларида инсон киёфаси, феъл-атвори, табиат ва миллий тимсоллар тасвирида кўп маъноли услубий хосланган сўзлар ўрнини ёритилишига, ўзбек тили корпуси бирликларининг услубий тегларини ва лингвистик таъминотини яратишга оид илмий-назарий хулосалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган И-ОТ-2019-42 рақамли “Ўзбек ва инглиз тилларининг электрон (Инсон киёфаси, феъл-атвори, табиат ва миллий тимсоллар тасвири) поэтик луғатини яратиш” (2020-2021 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳада белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 5 майдаги 04/1-859-

сон маълумотномаси). Натижада, чегараланган лексикага оид сўзларнинг услубий хусусиятларини кўрсатувчи маълумотларга ишлов беришда, ахборот-қидирув тизими учун ўзбек тили лексик бирликларининг услубий лингвистик омилларини аниқлашга асос бўлган;

лексик бирликларнинг корпусда берилишига доир теглаш формулаларининг аҳамияти, услубий хосланишига кўра лексик бирликларни танлашга, лексик бирликларни, терминларни автоматик услубий хосланишига кўра анализ/синтез жараёнини ўрганиш, терминларни услубий хосланишига кўра теглаштиришнинг умумий тамойиллари ҳамда унинг ахборот-қидирув тизимидаги аҳамиятини аниқлаш, лексик бирликлар услубий теглари тизимининг назарий асосларини илмий асослаш, корпусда фойдаланиш, ахборот-қидирув тизими учун ўзбек тили лексик бирликларининг услубий жихатдан лингвистик омилларни ишлаб чиқиш, тил миллий корпусларида ақс эттирилишига оид хулосалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган ОТ-А1-018 рақамли “Ўзбек тили ва унинг таржимаси билан боғлиқ электрон ва банк-молния терминларининг кўп тилли луғатларини яратиш” (2017-2018 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳада белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 24 майдаги 04/1-1015-сон маълумотномаси). Натижада лисоний бирликларнинг услубий хосланганлик белгисини фарқлашнинг аҳамиятини аниқлаш, ўзбек тили лексик бирликлари услубий хосланиш базасини шакллантиришнинг назарий асослари ишлаб чиқиш, ўзбек тили лексик бирликларининг, жумладан терминларнинг услубий хосланиш базаси тайёрлаш каби масалалар ўз ечимини топган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш, жумладан, 1 та электрон база, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (шундан иккитаси хорижий журналда) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 151 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари берилган, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган,

натижаларнинг жорийланиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Ўзбек тили корпуси бирликларини услубий теглашнинг лингвистик асослари” деб номланиб, уч бўлимдан иборат. Мазкур бобнинг “Ўзбек тили корпуси қидирув тизимида услубий хосланганлик белгисини фарқлашнинг аҳамияти” сарлавҳаси остидаги бўлимида тил корпусида услубий хосланганлик ва матнга оид метаразметка яратишнинг зарурати ёритилган. Маълумки, тил корпусидан адабий тил билан бирга ноадабий лексика ҳам ўрин олади. Бунга сабаб шуки, замонавий корпус бирликлари – корпус таркибидаги матнлар интернет манзиллари орқали (маълум бир ишловдан сўнг) автоматик равишда корпуста қабул қилинади. Шу сабабли миллий корпус тузувчилари корпуста турли услуб ва нутқ шаклларига оид матнлар пропорцияси, яъни миллий тилнинг барча қирраларини кўрсатувчи репрезентативлик масаласига алоҳида эътибор беришлари талаб қилинади.

Жаҳон корпус лингвистикасида аннотация(тег)лашнинг жуда кўп турлари ўрганилган ҳамда тил корпусларига татбиқ этилган бўлса-да, услубий аннотация ҳақида махсус тадқиқот ёки мақолага дуч келмадик. Шундай бўлса-да, кўпгина корпуслар матнларининг метаразметкасида услубий бўёқдорлик, жанрий хосланиш жиҳатида эътибор берилган.

Миллий корпуслар икки муҳим хусусиятга эга. Биринчидан, у репрезентативлик ёки матнларнинг мувозанатли таркиби билан тавсифланади. Демак, корпуста, имкон қадар, маълум бир тилда тақдим этилган барча турдаги ёзма ва оғзаки матнлар (турли жанрдаги бадий адабиёт, тадбиркорлик, сўзлашув матнлари, диалектал, публицистик, ўқув, илмий матнлар ва бошқалар) мавжуд бўлиб, бу матнларнинг барчаси тегишли давр тилидаги улушига мутаносиб равишда корпус таркибига киритилади. Ёрқин репрезентативликка (тил корпусида турли нутқ услубларини, нутқнинг барча кўриниш ва шакллари камраб олишга) фақат корпуснинг сезиларли катта ҳажми билан эришилади. Иккинчидан, корпустаги матнларнинг хусусиятлари ҳақида махсус қўшимча маълумотлар мавжуд. Демак, тил корпусида турли аннотациялар (ҳар бир бирликка махсус изоҳ) бўлмас экан, у матнларнинг оддий тўплами бўлиб қолаверади. Шу сабабли корпус бирликлари махсус лингвистик ва экстралингвистик аннотациялар билан таъминланиши керак.

Тадқиқотнинг “Ўзбек тилшунослигида услубий хосланишни фарқлаш хусусидаги қарашлар” деб номланган бўлимида ўзбек тилшунослигида функционал услубларни ўрганиш, тилнинг стилистик ресурсларини белгилаш бўйича қатор изланишлар ҳақида фикр юритилган.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўзбек тилшунослигида услубиятнинг предмети, методлари, асосий категориялари, нутқ услубларининг таснифи, экстралингвистик/лингвистик факторлар, уларнинг ўзаро муносабати каби қатор масалаларга кенг эътибор қаратилди. Ўзбек тилининг функционал услублари қатор тадқиқотлар объекти бўлиб, монографик ишлар ва турли мақолаларда функционал услуб, тил бирликларининг услубий хусусиятлари, бадий асар тили услуби, маълум

жанрга хос услублар, турли стилистик воситаларнинг хусусиятлари, услубий меъёрлар, грамматик шаклларнинг услубий хоссалари, турли қурилишга гап қурилмаларининг услубий ўзига хослиги хусусида баҳс юритилган.

“Ўзбек тили корпусида услубий теглар тизимини ишлаб чиқишнинг назарий асослари” деб номланган бўлимда услубий теглар ишлаб чиқишнинг назарий асослари таҳлил қилинган ва жаҳон тажрибаси асосида ўзбек тили табиатидан келиб чиқиб услубий теглар тизимини яратиш назарияси ёритиб берилган.

Манбаларда функционал услублар сони ўнтагача кўрсатилади<sup>11</sup>: бадий-беллетристтик (1), ижтимоий-публицистик (матбуот) (2), илмий баён (3), техник-ишлаб чиқариш (4), расмий-ҳужжат (идоравий) (5), эпистоляр (6), нейтрал (7), нотиклик (8), маиший нутқ (9), диний (10) каби. Бу таснифларнинг кўпчилигида, асосан, бешта услуб такрорланади: сўзлашув услуби, расмий услуб, илмий услуб, публицистик услуб, бадий услуб. Ўзбек тили стилистикасида ҳам функционал услублар учун ана шу тасниф асос қилиб олинган<sup>12</sup>. Таснифлар борасида ўз муносабатини билдирган айрим муаллифлар, масалан, М. Балақаев, В. Бондалетов, Х. Курбатов ва А. Чижик-Полейколар функционал услубларни бундай тасниф қилишга қадар, аввало, иккига – ёзма (китобий) ва оғзаки (сўзлашув) услубларга бўлиб қарши қозим, деб ҳисоблайдилар<sup>13</sup>. Биз ҳам ўзбек тили корпусида нутқ услубларни қидирув ойнасини дастлаб иккига: ёзма (китобий) ва оғзаки (сўзлашув) услуб сифатида ажратамиз ва бу қидирув тизимида қуйидаги кўринишда бўлади:

1-ойна:



Фойдаланувчи “услубий хосланган сўзлар” ойнасини танланганида, услубнинг икки кўринишидан бирини танлаш мумкин бўлади:

2-ойна:



Қуйидаги услубларни ёзма ва оғзаки услубнинг алоҳида кўринишлари сифатида ажратиш имкони йўқ: бадий-беллетристтик (1), ижтимоий-публицистик (матбуот) (2), илмий баён (3), техник-ишлаб чиқариш (4), расмий-ҳужжат (идоравий) (5), эпистоляр (6), нейтрал (7), нотиклик (8), маиший нутқ (9), диний (10). Булар орасида “маиший нутқ” услубини китобий услубга киритиб бўлмайди. Шу сабабли бу таснифни алоҳида белгилаймиз ва матн метаразметкасида алоҳида белгилардан фойдаланамиз.


<sup>11</sup>Кўрсатилган манба. – Б.11.

<sup>12</sup>Шомакеев А., Расулов И., Қўнуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент, 1983 – Б.13.

<sup>13</sup>Чижик-Полейко А.И. Стилистика русского языка. – Воронеж, 1962, Курбатов Х.Р. Татарская лингвистическая стилистика и поэтика. – Москва, 1978.

Н.А.Баскаковнинг таснифига асосланган ҳолда қидирув ва экстралингвистик аннотациялашнинг бошқа параметрларини киритиш мумкин. Бу лингвистик аннотация тизими ўзига хос тарзда шакллантирилади ҳамда фойдаланувчи интерфейсида қуйидаги кўринишга эга бўлади (қаранг: 1-чизма).

1-чизма



Функционал услубларнинг кўринишлари, миқдори канча бўлишидан қатъи назар, бу таснифларда маълум шартлилик борлигини эътироф этиш, уларнинг сони оз-кўп бўлишига қарамасдан маълум тилнинг функционал имкониятларини ойдинлаштиришга хизмат қилаётганлигини тан олиш ўринли бўлади. Услуб кўринишларини аннотациялаш ва маълумотлар базасига киритишда excel устунчаларига кетма-кетликда киритиб кетиш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби “Ўзбек тили лексик бирликлари услубий теглар тизими хусусида” деб номланган. Бобнинг “Услубий хосланганлик базасида стилистик теглар ва стилистик параметр асосидаги қидирув” бўлимида услубий хосланган сўзларни теглаш/аннотациялаш жараёни ёритиб берилган. Услубий хосланиш фарқланувчи корпусларни тузиш тажрибалари тавсифланган. Услубий хосланишни аниқлашнинг тил корпуси репрезентативлигини таъминлашдаги аҳамияти очиб берилган. Жаҳон корпус лингвистикасида нутқнинг турли услубларига тегишли матн/материаллар асосида қурилган корпуслар мавжуд. Шундай корпуслардан бири “Рус тили миллий корпуси” таркибидаги оғзаки нутқ ички корпусидир. Маиший суҳбатлар овозли ёзуvidан олинган транскрипция жонли сўзлашув тилини ўрганишда тенгсиз манба саналади. Шу сабабли бундай ички корпусда сўзлашув услубига хос бирликларни кўплаб топиш мумкин.

Жаҳон корпус лингвистикасида сўзларни теглаш масаласида қатор назарий ва амалий ишлар бажарилган. Турли корпусларда тегларнинг ҳар хил турларидан фойдаланилган, манбаларда эса, тегларнинг морфологик, синтактик, семантик, просодик тег кўринишлари изоҳланган. В.Захаров лингвистик тегнинг морфологик тег, синтактик тег, семантик тег, анафорик тег, просодик тег каби турларини ажратади<sup>14</sup>. Кўринадики, теглаш муаммолари атрофлича ўрганилган рус тилшунослигида ҳам сўзнинг услубга хослигини билдирувчи тег фарқланмайди.

Ўзбек тилида услубий теглаш муаммолари. Ўзбек тили лексикаси дастлаб услубий хосланган ва услубий бетараф лексикага бўлинади. Ушбу таснифни кўрсатувчи белги маълумотлар базасининг биринчи ва иккинчи устунида жойлашади. Услубий хосланган сўзлар эса ёзма ва оғзаки нутққа хосланишига кўра таснифланади.

Тил корпуси дастурий таъминотида услубий хосланиш шажараси бўлиши талаб этилади. Ушбу шажара алгоритм тузиш ва уни ишлатиш учун муҳим аҳамиятга эга. Шажара усули матнни автоматик таҳлил қилишнинг чекли автомат усули (finite state transducer) деб аталади. Биз қуйида услубий хосланганлик белгисини аниқлаш бўйича содда шажара дарахтини таклиф қиламиз (қаранг: 1-чизма). Кўрсатилган таснифда таснифланган блокли иш таснифнинг қаерга келиб тугаши кўрсатилган.

Юқоридаги маълумотлар, кискартмалар рўйхати ва ЎТИЛдаги учрайдиган пометаларга асосланган ҳолда теглар рўйхати қуйидагича шакллантирилди (қаранг: 4-жадвал). Бунда услубий услубий бетараф сўзлар 0 рақами билан белгиланади. Услубий хосланганлик ҳақидаги тег 2-рақам остида турганлиги сабабли 3-4-5-6-7-8-рақамдаги маълумотлар ёнига 2 рақами бириктирилган. Демак, 3-4-5-6-7-8-сатрда турган теглар “услубий хосланган” деган хулоса келиб чиқади. 9-рақамдан 51-рақамгача тартибланган тегларнинг ёнига (4-устунга), асосан, 3 дан 5 гача рақамлар бириктирилган. Бу ахборот қуйидаги алгоритмни келтириб чиқаради: агар сўзга бириктирилган тег тўғрисида 5 рақами ёзилган бўлса, бундай тегли сўзларнинг барчаси илмий услубга тегишли. Бунинг лингвистик алгоритми қуйидагича бўлади:

Агар сўз + тег (5) = илмий услубдаги сўз.

Чунки илмий услуб базада 5 рақами билан тегланган. Мос равишда 4 рақами билан белгиланган тег сўзлашув услубига оид. Шу тарихи тил корпуси маълумотлар базасидаги ушбу категориялар рўйхатидаги маълумотга асосланган ҳолда қидирувни амалга оширади.

Бобнинг “Ўзбек тили лексик бирликларининг услубий хосланиш базасини шакллантириш масалалари” деб номланган бўлимида ўзбек тили бирликларининг услубий хосланганлик базасини яратиш, миллий корпус учун услубий хосланган сўзлар қидирувини йўлга қўйиш масалалари ёритилган. Ўзбек тили корпусларида нутқ услубларига хос белгилар асосида қидирувни амалга ошириш, материалга ишлов бериш каби функциялар корпус лингвистик таъминотидаги ахборотга боғлиқ бўлганлиги сабабли маълумотлар базасига

<sup>14</sup> Захаров В.П., Богданова С.Ю. Корпусная лингвистика. – Иркутск: ИГЛУ, 2011.

шундай теглардан иборат маълумотларни киритиш мақсадга мувофиқ. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида услубий характеристика ва уни қайд этувчи белгилар, асосан, чегараланган қатламга оид сўзлар учун берилган ва улар изоҳли луғатда жуда муҳим вазифа бажаради. Услуга хосликни билдирувчи белгиларни қўйиш билан сўзнинг қўлланиш соҳаси, ўрни қайд этилган. Натижада, сўз маъносининг изоҳи билан бирга унга хос бошқа белги-хусусиятлар далилланган. Ўзбек тили миллий корпуси базасидаги сўзларни услубий белгиларига кўра аннотациялашда ўзбек тилининг изоҳли луғати асосий манба вазифасини ўтайди. ЎТИЛда берилган пометалар тил корпуси ва маълумотлар базасининг теглар тизимини ишлаб чиқишда қўлланади ҳамда маълумотлар базасида сўзларга шу каби теглар бириктирилади.

Бобнинг “*Чегараланган лексикага оид сўзларнинг услубий хусусиятларини кўрсатувчи маълумотларга ишлов бериш хусусида*” деб номланган учинчи бўлимида чегараланган лексика, хусусан, эскирган ва янги сўзлар, шевалар, атамаларни теглаш муаммоларини ечишга эътибор қаратилган. Фаол ва пассив қўлланивчи сўзларнинг услубий хосланишини аниқловчи тегларни ишлаб чиқишнинг лингвистик асослари ишлаб чиқилган. Қўлланишига кўра умумхалқ тили лексикаси икки гуруҳга бўлинади: фаол сўзлар (1), пассив сўзлар (2).

Тилнинг ҳозирги даври учун эскилик бўёғига эга булган сўзлар архаизм ёки архаик сўзлар деб юритилади. Сўз маъносининг эскириши ва турли сабабга кўра унинг ўрнига бошқа сўз олиш натижасида архаизм пайдо бўлади. Масалан: *авахта* (*қамоқхона*), *мусофирхона* (*меҳмонхона*) кабилар ўзбек тилида бугунги кун нуқтаи назаридан эскирган сўзлар бўлиб, уларнинг ўрнини янги сўзлар эгаллаган.

Архаизмлар бадий асар, фелъетон, баъзи ижтимоий-сиёсий услубда ёзилган тарихий мақолаларда киноя, пичинг, мазах-масхара руҳи ва ҳажв бўёғини бериш учун ҳам ишлатилади<sup>15</sup>. Бундай сўзлар маълумотлар базасида китобий услубга тегишли сўзлар, жумладан “эскирган сўзлар” теги билан белгиланди. Эскирган сўзлар ЎТИЛ луғатига асосланиб тегланиб, уларнинг миқдори базада 4 450 тани ташкил этмоқда. Унинг базадаги тегланиши қуйидаги кўринишга эга (қаранг: 5-расм).

Эскирган сўзларга историзмлар ҳам киради. Ҳозирги ҳаётда учрамайдиган, фақат тарихий нарса ёки воқеа-ҳодисаларнинг номини билдирувчи сўзлар историзмлар дейилади (қаранг: 6-расм).

Ҳозирги тилда мустақил ҳолда деярли қўлланмайдиган, ҳатто бутунлай истеъмолдан чиққан, лекин истеъмолда бўлган мақол, матал ва турғун иборалар таркибида, шунингдек, маълум бир сўз билангина қўлланивчи *нил* (*бўёқчининг нилими*), *бебилиска* (*бебилиска пул*), *чумак* (*чумак урмоқ*), *барҳам* (*барҳам бермоқ*), *миқ* (*миқ этмаслик*), *ато* (*ато қилмоқ*) каби сўзлар ҳам эскирган сўзлар сирасига киритилган ҳамда маълумотлар базасида “эск.” теги билан белгиланган.

<sup>15</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси (А. Мадвалиев таҳрири остида). 5 жидди. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006 – Б. 51.

Ҳар қандай адабий тилнинг доимий равишда янги сўзлар билан бойиб бориши табиий ҳол. Бундай сўзлар неологизмлардир. Бундай сўзлар ЎТИЛда “янги сўз.” пометаси билан белгиланган. Шу асосда маълумотлар базасига шундай тег киритилади.

Диссертациянинг учинчи боби “**Ёрдамчи сўзлар ва кўмакчи морфемаларнинг услубий теглар тизимини ишлаб чиқиш**” деб аталади. Бобнинг биринчи бўлими “*Ёрдамчи сўзлар ва алоҳида олинган сўзларнинг услубий хослигини аниқлаш механизминини ишлаб чиқиш хусусида*” деб номланади.

Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва услубий хусусиятлари борасидаги қатор тадқиқотлар<sup>16</sup>, турли туркумга оид лексик бирликларнинг услубий хусусиятлари ҳақидаги мақолалар маълумотлар базасини тайёрлаш учун назарий асос вазифасини бажарди. Шунингдек, ёрдамчи сўзларнинг стилистик хусусиятлари Э. Қиличевнинг “Ўзбек тилининг амалий стилистикаси (грамматика)” ўқув қўлланмаси<sup>17</sup>да тавсифланган. Ёрдамчи сўзлар базасини шиклаштиришда ушбу ўқув қўлланмадаги маълумотлардан фойдаланилди. Шунингдек, ёрдамчи сўз туркумига оид сўзларнинг услубий хосланиши ҳақидаги маълумотларга ишлов бериш масалалари кўриб чиқилди.

“*Сўз ясовчи қўшимчаларни услубий теглаш масаласи*” деб номланган бобнинг иккинчи бўлимида сўз ясовчи қўшимчаларнинг услубий хосланиши бўйича теглаш масаласи кўриб чиқилди.

Маълумки, сўз ясаланиш лексикология билан ҳам, грамматика билан ҳам, услубият билан ҳам алоқадор. *Исламоқ* ва *искамоқ* феълларидаги *-ла* ва *-ка* ясовчи қўшимчаларининг семантик вазифаси бир хил, яъни отдан феъл ясалган. Бу жиҳатдан уларни синоним қўшимчалар дейиш мумкин, аммо услубий бўёғи, қайси ҳодисага тегишлилиги жиҳатидан фарқланади.

1. *Ислаш* одамларга хос: Гул ҳидин исласим хуш ҳаволарда (С. А.).

2. *Искаш* ҳайвонларга хос: Йт у ер-бу ерни искаган бўлиб олға силжиди<sup>18</sup>.

<sup>16</sup> Пардаев А.Б. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвограмматикаси. Филол. фан. док. (DSc) дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 77 б; Бердиёров Х. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида сўзқўмакчилар. Филол. фан. номз. дисс. – Самарқанд, 1949. – 134 б; Қошинов А. Последствия в современном узбекском литературном языке. – Ташкент, 1951. – 48 с; Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1953. – 24 б; Мухтаров Дж. Союз в современном узбекском языке: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Самарқанд, 1953. – 14 с; Маттозиев А. Ўзбек тилида эргаштирувчи боғловчиларнинг таракқиёт тарихи: Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 1966. – 259 б; Рустамов Т. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўмакчилар. – Тошкент: Фан, 1965. – 131 б; Расулов Р. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг семантик-грамматик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1983. – 112 б; Базаров О. Частички в узбекском языке: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – М.: ИЯ, 1983. – 22 с; Рустамов Т. Соф кўмакчилар. – Тошкент: Фан, 1991. – 124 б; Ўринбоева Д. Ўзбек сўзлашув нуқтаи назарида ўзгармайдиган сўзлар (ёрдамчи сўзлар). Филол. фан. номз. дисс. – Самарқанд, 1994. – 150 б; Турдибоев Т. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар конверсияси. Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент: ТАИ, 1996. – 21 б; Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресупозицияси: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 23 б; Исаков З. Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро муносабати ва унда юкламаларнинг ўрни: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Фаргона: ФарДУ, 2005. – 22 б; Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадор келишлар прагматикаси (пресупозицион аспект): Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент: ТАИ, 2008. – 27 б.

<sup>17</sup> Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси (грамматика). Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.

<sup>18</sup> Қиличев Э. Кўрсатилган манба – Б. 4.

Шундай жиҳатларига кўра сўз ясовчи кўшимчаларни тил корпуслари учун услубий теглаш мақсадга мувофиқ. Бу ўзбек тили тадқиқотчиларига ўзбек тилидаги сўз ясовчи кўшимчаларни автоматик услубий таҳлил қилиш имконини яратади.

Сўз ясовчи кўшимчалардаги кўп маънолилик, шаклдошлик ва маънодошлик ҳолатлари ҳам бир қатор услубий имкониятларга эга. Сўз ясовчи синоним аффикслардаги маъно нозиклиги нутқни таъсирчан қилади. Сўз ясовчи кўп маъноли кўшимчалардаги маъно кирраларини яхши фарқлай олмаслик турли нутқий хатоларга олиб келиши мумкин. Тилнинг доимий тараккий этиши, ўзгариши натижасида янги элементлар вужудга келади. Э. Қиличевнинг айтишича, бу тилда «ортиқча»лик – плеоназмга олиб келади. Сўз ясовчи кўшимчаларнинг плеонастик қўлланиши ҳам ўзига хос услубий хусусиятларни намоён этади.

Тожикча *-кор, -кар, -гар; -каш, -гаш* аффикслари маъно жиҳатдан *-чи* ясовчисига яқин бўлиб, касб оти ясаб келса ҳам, кўп ўринларда бирининг ўрнига иккинчисини қўллаб бўлмайди: *бинокорни* «биночи», *мисгарни* «мисчи» деб бўлмайди. Демак, сўз ясовчи шаклларни ўзи қўшилиб келадиган ўзак маъносига мос ҳолда қўллаш талаб қилинади. Бундай ҳолатларни куйидаги ахборот ва теглар билан ифодалаш мумкин:

|  |   |
|--|---|
| <p><i>-кор</i><br/><i>-кар</i><br/><i>-гар</i><br/><i>-каш</i><br/><i>-гаш</i></p> | <p>1. Услубий хосланган кўшимча.<br/>2. Форсча-тожикча кўшимча.</p> |
|--|---|

*-шунос, -парвар, -хўр, -паз, -дўз, -боз, -бон, -гар, -соз, -хон* каби ясовчи кўшимчалар форс-тожик тилида феъл негизидан иборат, улар ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди. Бундай кўшимчалар, асосан, сўз ясовчи аффикс (аффиксоид) сифатида хизмат қилади. Бундай аффикслар ёрдамида ясалган отларда *китобийлик* бўёғи бўлади<sup>19</sup>. Ушбу маълумот асосида кўшимчаларнинг услубий хосланиш белгиси куйидагича тегланади:

| Сўз ясовчи     | Ясалиш намунаси | Услубий хосланиши | тегланиши      |
|----------------|-----------------|-------------------|----------------|
| <i>-шунос</i>  | доришунос       | Китобий услуб     | к <sub>1</sub> |
| <i>-парвар</i> | халқпарвар      | Китобий услуб     |                |
| <i>-хўр</i>    | ошхўр           | Китобий услуб     |                |
| <i>-паз</i>    | сомсапаз        | Китобий услуб     |                |
| <i>-дўз</i>    | ковушдўз        | Китобий услуб     |                |
| <i>-боз</i>    | масхарабоз      | Китобий услуб     |                |
| <i>-бон</i>    | боғбон          | Китобий услуб     |                |
| <i>-гар</i>    | заргар          | Китобий услуб     |                |
| <i>-соз</i>    | машинасоз       | Китобий услуб     |                |
| <i>-хон</i>    | ғазалхон        | Китобий услуб     |                |

<sup>19</sup> Қиличев Э. Кўрсатилган манба – Б.7.

*Сифат ясовчи аффиксларнинг услубий хусусиятини ифодаловчи теглар.* Сифат ясовчи кўшимчалар бир-бири билан ўзаро синонимлик ҳосил қила олади. Бундай маънодошлик аффикслардаги умумий семаларнинг яқинлиги асосида юзага келади. Аммо бу аффикслар ўзининг айрим семаларига кўра фарқланиб ҳам туради: бирининг ўрнида иккинчисини қўллаб бўлмайди.

*Сер-, ба-* олд кўшимчалари форс-тожик тилидан ўзлашган: «асосдан англашилган предметга эгалик» семаси билан *-ли* ва *-дор* кўшимчали сифатларга маънодош бўла олади: *серунум* – *унумли* – *унумдор*; *басавлат* – *савлатли* – *савлатдор*. Аммо *сер-* олд кўшимчаси билан ясалган сифатларда белгининг «мавжудлиги» семасидан ташқари, унинг ортиқлиги семаси ҳам мавжуд. Чоғиштирамиз: *соқоли* (соқоли бор) – *серсоқол* (соқоли кўп), *фарзандли* (фарзанди бор) – *серфарзанд* (фарзанди кўп), *сомонли* – *серсомон* ва х. к. Агар ўзак аниқ, санаш мумкин бўлган отлар билан ифодаланган бўлса, *-ли, -дор, сер-* кўшимчалари ўзаро тўла маънодошлик ҳосил қилмайди, мавҳум маъноли, саналмайдиган отлардан ифодаланган ўзакларда эса бири иккинчисининг ўрнида қўлланаверади: *махсулдор* – *сермахсул* – *махсулли*; *мазмундор* – *мазмунли* – *сермазмун*; *савлатдор* – *серсавлат* – *савлатли*<sup>20</sup>. Англашиладики, *сер-, ба-* олдкўшимчалари кўпроқ бадний услубга хосланади. Уларни куйидагича теглаш мумкин:

| Сўз ясовчи  | Ясалиш намунаси | Услубий хосланиши        | Тегланиши                       |
|-------------|-----------------|--------------------------|---------------------------------|
| <i>сер-</i> | сермахсул       | Бадний / сўзлашув услуби | B <sub>1</sub> ; S <sub>1</sub> |
| <i>ба-</i>  | баодоб          | Бадний / сўзлашув услуби | B <sub>1</sub> ; S <sub>1</sub> |

Кўринадик, стилистик хатога йўл қўймаслик учун сифат ясовчи кўшимчаларнинг семантик таркибига алоҳида эътибор бериш керак. *-сиз, бе-, но-* сифат ясовчи аффикслари эса «ўзакдан англашилган объектга эга эмаслик» семаси билан ўзаро синонимик муносабатга киришади: *ғаразсиз / бегараз, пулсиз / бепул, ҳаёсиз / беҳаё*. Аммо бу аффикслар ҳамма вақт ҳам синоним бўла олмайди: *бебош* сўзини *бошсиз* деб бўлмайди. Юқорида айтилганидек, бу каби семантик-услубий хусусиятларни автоматик аниқлаш имкони мавжуд эмас.

Бобнинг “*Луғавий шакл ясовчи ҳамда синтактик шакл ясовчи кўшимчаларни услубий теглаш ва уларнинг лингвистик базасини шакллантириш хусусида*” деб номланган бўлимида феълнинг майл, замон, нисбат, вазифадош шакллари, ҳаракатнинг турли тавсифини кўрсатувчи ва модал маъно ифодаловчи шакллари, субъектив баҳо шакллариининг услубий қўлланишини корпусда акс эттириш имкониятлари ёритиб берилган.

Феълнинг майл шакллари ичида сўзлашув, бадний, публицистик услубга хосланиш илмий жиҳатдан асосланган, аммо бундай хосланиш феълнинг маълум бир услубида махсус морфологик шакл билан фарқланмайди: яъни бир морфологик шакл маълум контекстда услубий хосланишни ифодаласа, бошқа контекстда услубий бетараф бўлади. Бундай ҳолатларни автоматик таҳлил қилишнинг ҳозирча имкони йўқ. Ўзбек компьютер лингвистикасининг кейинги

<sup>20</sup> Қиличев Э. Кўрсатилган манба – Б.7.

босқичларида ушбу тахлилни амалга оширувчи анализаторлар яратилса, контекстга қараб услубий хосланишни аниқлаш имкони пайдо бўлади.

Феъл замон шаклларининг услубий хусусияти тахлилидан келиб чиққан ҳолда феъл замон шаклларининг услубий хосланиши маълумотлар базасида куйидагича акс эттирилади (қаранг: 7-жадвал)

Тахлиллар натижасида феъл нисбат шакллари шакл жиҳатдан услубий бетараф. Бошқа услубий маънолар эса фақат контекстда англашилади. Шу сабабли кўрсатилган шакллар базаси куйидаги кўринишда бўлади:

| I.2 | Нисбат   | n  | Услубий бетараф  |
|-----|----------|----|--|
| 1   | аниқ     | n1 | +Ø   |
| 2   | ўзлик    | n2 | 1) +n/+in, 2) +l/+il   |
| 3   | мажхул   | n3 | 1) +n/+in, 2) +l/+il   |
| 4   | ортгирма | n4 | 1) +ar 2) +ir, 3) +giz/+kiz/+qiz/+g'iz/+gaz/+kaz/+qaz, 4) +iz, 5) +dir/+tir, 6) +t/+it |
| 5   | биргалик | n5 | 1) +sh/+ish  |

Феълнинг функционал шаклларининг услубий хусусиятини автоматик аниқлаш имконияти хусусида. Тахлиллардан келиб чиққан ҳолда маълумотлар базасида ҳаракат номига оид маълумотлар куйидагича берилади:

|     | Феълнинг вазифа шакли |    | Услубий бетараф   | Услубий хосланган  |
|-----|-----------------------|----|---|--|
|     | ҳаракат номи шакли    | v3 | 1) +ш/+иш,<br>2) +шлик/+ишлик,<br>3) +в/+ув.  | +моқ,<br>+моқлик,<br>-мақ  |
| I.3 | Вазифа шакллари       | v  | Услубий бетараф   | Услубий хосланган  |
|     | сифатдош шакли        | v1 | 1) +ган/+кан/+қан,<br>2) +ганлик/+қанлик/+қанлик,<br>3) +ганда эди/+қанда эди/<br>+қанда эди,<br>4) +гандайди/+қандайди/<br>+қандайди,<br>5) +ган/+кан/+қан(эгаллик)<br>бўлсин, +ган/+қан/+қан бўлди,<br>6) +ётган/+аётган,<br>7) +йдиган/+адиган,<br>8) +йдиган эди/+адиган эди. | -р/+ар,<br>+гувчи/+увчи/+вчи,<br>+гулик/+ғлик/+рлик,<br>+гур/+кур/+қур/+ғур. |
| I.3 | Вазифа шакллари       | v  | Услубий бетараф   | Услубий хосланган  |
|     | равишдош шакли        | v2 | 1) +б/+иб,<br>2) +ганча/+қанча/+қанча,<br>3) +гудек/+қудек/+қудек,<br>4) +гач/+қач/+қач,<br>5) +гунча/+қунча/+қунча.  | +гани/+қани/+қани/+г<br>али +гали  |

Ҳаракатнинг турли тавсифини кўрсатувчи ва модал маъно ифодаловчи шакллар. Бу шакллар кўринишига кўра иккига бўлинади:

- 1) синтетик шакллар,
- 2) аналитик шакллар.

Синтетик шакллар ҳаракатнинг давомийлиги, такрорийлигини ифодалайди. Бу *-а, -ла, -кила (-гила, -қила, -гила)* шакллари орқали юзага чиқади: *бур-бура, сава-савала, турт-турткила, чўз-чўзгила, теп-тепкила, қашш-қашила* каби. Ҳаракатнинг кучсиз даражаси эса *-(и)нқира, -(и)мсира* шакллари воситасида юзага келади: *кўрқинқира, қулимсира, йиғламсира* каби. Манбаларни кузатишларимиздан англашиладики, ҳаракатнинг турли тавсифини кўрсатувчи ва модал маъно ифодаловчи синтетик шакллар бадий услубга хос. Шу сабабли маълумотлар базасида ушбу шаклларининг барчасига унинг услубий хосланганлиги, бадий услубга тегишлилиги ҳақида маълумот бириктирилади:

|  | Ҳаракатнинг модал маъносини ифодаловчи шакллар | Услубий бетараф | Услубий хосланган                           |
|--|--|-----------------|---|
|  | Синтетик шакл                                  |                 | <i>-а, -ла, -кила (-гила, -қила, -гила)</i> |

Аналитик йўл билан модал маъно кўмакчи феъллар ва тўлиқсиз феъл ёрдамида ҳосил қилинади. Ҳар бир кўмакчи феъл ётакчи феъл билан бирикиб модал маънолар ҳосил қилади.

Кўмакчи феълларнинг автоматик тахлили масаласи махсус тадқиқини талаб этади. Бу ўринда кўриняптики, кўмакчи феълли сўз қўшилмалари услубий вазифа бажарса-да, уларнинг шакли услубий маъносини автоматик аниқлаш имконини бермайди. Шу сабабли уларнинг услубий хосланиши масаласи МБда ўз ифодасини топмайди.

Манбаларни кузатганимизда, *эди, экан, эмиш, эрур* тўлиқсиз феълларида аслида э ўзагидан ҳосил бўлган. Тўлиқсиз феъл *от, сифат, сон, олмош* каби сўз туркумлари билан бирикиб, уларга феъллик тусини беради. Феъллар билан бирикиб келганда эса ҳаракатнинг аниқ бажарилганлиги, ҳаракатнинг бажарилиш эҳтимоли борлиги, пайти, мақсади каби модал маъноларни ифодалаб келади. *Эрур* тўлиқсиз феъл тарихий-бадий асарларда давр руҳини бериш учун ишлатилади. Тўлиқсиз феълнинг *экан, -қан* шакллари сўзлашув нутқи услубида кўпроқ қўлланади<sup>21</sup>. Юқоридаги маълумотлар асосида тўлиқсиз феълларни МБда куйидагича теглаш мумкин:

|  | Тўлиқсиз феъллар | Услубий бетараф       | Услубий хосланган                               |
|--|------------------|-----------------------|---|
|  |                  | <i>эди,<br/>эмиш,</i> | <i>экан, -қан (сўзлашув)<br/>эрур (тарихий)</i> |

Бобнинг “*Ўзбек тили миллий корпусида услубий хосланишининг ифодаланиши: интерфейс ва қидирув*” деб номланган қисмида тил корпусида услубий хосланганлик белгисини кўрсатувчи интерфейс, тил корпусида стилистик белги асосидаги қидирувни ташкил этувчи корпус менежерининг характеристикаси изоҳланган.

<sup>21</sup> Қиличев Э. Кўрсатилган манба. – Б. 68-69.

Услубий хосланишни излашнинг бир неча тури орқали амалга ошириш мумкин. 1-расмда сўз кидирилганда сўзлар рўйхати ва уларнинг контексти чиқади, унга қўшимча равишда сўзнинг услубий хосланиши ҳақида маълумот чиқади. 2-расмда эса сўзни “луғат” блокдан кидириш имкони мавжуд. 3-расмда бошқа бир сўзни кидириш натижаси акс этган. Унга кўра, *барол* сўзи услубий хосланган (1), сўзлашув услубига оид (2), сўзлашув тилида, оғзаки нутқда қўлланувчи сўз.

## ХУЛОСА

1. Миллий тилни ўзида акс эттириш, уни электрон кўриниш, рақамли форматда сақлаш вазифасини бажарадиган электрон кутубхоналар, тил корпуслари каби махсулотлар бугунги глобаллашув даврининг зарурий воситаларидир. Тил корпуси – тилнинг хилма-хил жанр ва услубдаги, турли ижтимоий вариантдаги матнларининг электрон шаклдаги йиғиндиси, у адабий тил билан бирга ноадабий лексикани ҳам қамраб олади. Шу сабабли корпусда турли услуб ва нутқ шаклларига оид матнлар пропорцияси – репрезентативлик масаласи алоҳида эътибор талаб қилади.

2. Кейинги йилларда ўзбек корпус лингвистикасида корпус тузиш тамойиллари ҳамда корпусни ишга туширувчи дастурий воситалар яратиш борасида монографик ишлар юзага келди. Ўзбек тили корпусларини ишга тушириш учун морфологик ва синтактик анализатор, онтология ва машина таржимаси модулларининг яратилиши ўзбек тилига автоматик ишлов бериш муаммолари ечимига олиб келмоқда. Кейинги масала ўзбек тили корпусларида тилнинг услубий имкониятларини кўрсатувчи интерфейс ва кидирув тизимини ишга туширишдир.

3. Корпусда тил бирлигининг қайси услубга тегишлилиги, тилнинг қайси функционал услубини ифодаланишини кўрсатувчи аннотацияларнинг мавжудлиги ўзбек тилини ўрганиш ва унинг стилистик хусусиятини тадқиқ қилиш имкониятини оширади. Матн тилига унинг услуби (академик, илмий-оммабоп, расмий-идоравий, нейтрал, вулгар, индивидуал-муаллиф тили, диалектал ва х.), аудиториянинг ёши ва билим даражаси каби омиллар таъсир этади. Шу сабабли услубият ва нутқ маданиятининг назарий асослари, муаммоларини аниқламасдан туриб, тилнинг услубий ўзига хослиги, жозибаси, нутқ маданиятини тил корпусларида акс эттириш мумкин эмас.

4. Ўзбек тилшунослигида нутқ услублари таснифи борасидаги қарашлар ўзбек тили миллий корпусида услубий хосланганлик ҳақидаги аннотацияларни шакллантириш, кидирувда услубий белгиларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Теглаш муаммолари атрофлича ўрганилган, аммо сўзнинг услубга хослигини билдирувчи тег фаркланмайди. Услубий хосланганликни билдирувчи тег кузатилган корпуслар тажрибасида мавжуд эмас. Чунки бундай теглар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда уларни тил лексиконида мавжуд барча сўзларга бириктириш катта меҳнат талаб этади. Бу ишни автоматик амалга ошириш имкони йўқ, бу жараён қўл меҳнати билан амалга оширилади:

тилнинг изоҳли луғатидаги услубий хосланиш ҳақида қўйилган пометалар асосида маълумотлар базасига бирма-бир теглар киритилади.

5. Ўзбек тили услубий хосланишни билдирувчи теглар тизимини ишлаб чиқишда ЎТИЛда кўрсатилган пометалар асос бўлади, шу пометалар асосида стилистик теглар тизими ишлаб чиқилади. Тадқиқотда таклиф этилаётган сўзларнинг услубий хосланишини фарқловчи модул сўзларнинг услубий хосланишига кўра услубий хосланган ва услубий бетараф сўз эканлигини таснифлаш, услубий хосланган сўзларнинг илмий, бадий, сўзлашув, расмий, публицистик ва юқори услубга ажратиш, юқори, публицистик, расмий-идоравий услублар бошқа тармоқланмаслигини кўрсатиш, бадий услубни эскирган, эскирган китобий, эскирган поэтик, поэтик каби гуруҳларга бўлиш, сўзлашув услубидаги сўзларни болалар тили, шева ва оддий сўзлашув тили сифатида фарқлаш, илмий услубдаги сўзларнинг қайси фан ёки касбга оидлиги ҳақидаги 27 та ички гуруҳга бўлиш алгоритмида ишлайди. Сўзларнинг услубий хосланишини фарқлашда чегараланган ва чегараланмаган лексика: эскирган ва янги сўз, шева, атамаларни теглаш муаммоларини ечишга эътибор қаратиш талаб этилади.


6. Кузатишларимиз давомида ўзбек тили лексик бирликларининг услубий хосланишини фарқловчи 51 та умумий ва хусусий теглар аниқланди. 37 000 дан ортиқ лексик бирлик услубий хосланган ва услубий бетараф сўзларга ажратилди. Ёрдамчи сўз туркумига мансуб жами 203 та бирлик (106 та кўмакчи, 52 та боғловчи, 45 та юклама) услубий хосланишига кўра тегланди. Алоҳида олинган сўзлар туркумига мансуб 1 176 лексема (800 та таклид сўз, 244 та ундов сўз, 132 та модал сўз) услубий хосланишига кўра таснифланди, шунга кўра стилистик теглар билан белгиланди. Кўмакчилар орасида архаик, китобий, сўзлашув, диалектал каби бўёқларга эга бирликлар фаркланса, боғловчиларда сўзлашув услубига хослик ҳамда архаиклашганлиги сабабли китобий (бадий) услубга тегишлилик хусусиятлари аниқланди. Юкламалар сирасида публицистик услубга хослик, архаиклашган ва бадий услубга хосланганлик кўринди.

7. Сўз ясовчи қўшимчалар орасида ўзлашма қўшимчалар услубий хосланишни ифодалаш маълум бўлди. Форсча-тожикча аффикслар кўпроқ бадий услубга оидлиги билан ажралиб турса, рус тилидан ўзлашган ясовчи аффикслар расмий ва публицистик услубга хос эканлиги, сўз ясовчи аффиксларнинг сўзлашув, расмий, публицистик ва бадий услубга хосланиши маълум бўлди ҳамда шунга мувофиқ теглар тизими ишлаб чиқилди. Луғавий шакл ясовчилар нутқнинг барча услубларига хосланади, улар учун 5 та услуб ва услубий бетарафлик белгисини кўрсатувчи теглар тизими ишлаб чиқилди. От ва сифатга хос субъектив баҳо шакллари бадий, публицистик услубга хосланиши ўрганилиб, шу хосликни ифодаловчи теглар тизими ишлаб чиқилди.

8. Феълнинг буйруқ-истак майли шакллари бадий услубда, публицистикада кенг қўлланса-да, уларнинг шаклини услубий жиҳатдан фарқлаш имконияти мавжуд эмас. Бундай луғавий шакл ясовчиларга тил корпусларида услубий жиҳатдан фарқловчи тегларни бириктириш шарт эмас.

Феълнинг замон шакллари эса шаклан услубий фарқларга эга бўлиб, уларни сўзлашув ва расмий услубга хос қўшимчалар сифатида фарқлаш, маълумотлар базасида бундай шакллари махсус тег билан белгилаш мумкин. Замон қўшимчалари орасида фақат шеърий нутқда учрайдиган, китобий услубга ажратиладиганлари ҳам фарқлан ҳамда тегишлича тегланди.

Услубий хосланишни аниқлаш шажараси



Маълумотлар базасида услубий хосланишни кўрсатувчи теглар рўйхати

| N  | qisqa                 | kateg. Nomi   | pre_id |
|----|-----------------------|---|--------|
| 1  | хосланмаган           | услубий бетараф   | null   |
| 2  | хосланган             | услубий хосланган                                       | null   |
| 3  | бадий услуб           | бадий услуб   | 2      |
| 4  | сўзлашув услуби       | сўзлашув услуби   | 2      |
| 5  | илмий услуб           | илмий услуб   | 2      |
| 6  | расмий-идоравий услуб | расмий-идоравий услуб                                   | 2      |
| 7  | публицистик услуб     | публицистик услуб                                       | 2      |
| 8  | юмор услуб            | юмор услуб  | 2      |
| 9  | эск.                  | эскирган  | 3      |
| 10 | эск.поэт.             | поэтик сўз, поэзияда, назмда                            | 3      |
| 11 | эск.кт.               | эскирган сўз, ибора                                     | 3      |
| 12 | ад.                   | адабиётга, адабиётшуносликка оид термин                 | 5      |
| 13 | дин.                  | диний сўз, ибора  | 5      |
| 14 | фольк.                | фольклорга оид сўз                                      | 5      |
| 15 | поэт.                 | эскирган, поэтик сўз, поэзияда, назмда                  | 3      |
| 16 | с.т.                  | сўзлашув тилида (оғзани нутқда) қўлланадиган сўз, ибора | 4      |
| 17 | ша.                   | шевага оид сўз, ибора                                   | 4      |
| 18 | бол.                  | болалар нутқига хос, болалар ишлатадиган сўз            | 4      |
| 19 | кт.                   | китобий сўз   | 5      |
| 20 | ким.                  | кимёга оид термин                                       | 5      |
| 21 | тиб.                  | тиббиётга оид термин                                    | 5      |
| 22 | тлш.                  | тилшуносликка оид термин                                | 5      |
| 23 | спрт.                 | спорт ва физкультурага оид термин                       | 5      |
| 24 | физ.                  | физикага оид термин                                     | 5      |
| 25 | астр.                 | астрономияга оид термин                                 | 5      |
| 26 | макс.                 | махсус сўз, термин                                      | 5      |
| 27 | хўқ.сиёс.             | хўқуқий-сиёсий термин                                   | 5      |
| 28 | полигр.               | полиграфияга оид термин                                 | 5      |
| 29 | бнк.                  | биноқорликка оид термин                                 | 5      |
| 30 | геод.                 | теодезияга оид термин                                   | 5      |
| 31 | ҳарб.                 | ҳарбий ишга оид сўз, термин                             | 5      |
| 32 | сиёс.                 | сиёсатга, сиёсатуносликка оид термин                    | 5      |
| 33 | қ.х.                  | қишлоқўйқалиғига оид термин                             | 5      |
| 34 | хўқ.                  | хўқуққя, хўқуқуносликка оид термин                      | 5      |
| 35 | геогр.                | географияга оид термин                                  | 5      |
| 36 | физиол.               | физиологияга оид термин                                 | 5      |
| 37 | авиа.                 | авиацияга оид термин                                    | 5      |
| 38 | мол.                  | молияга оид термин                                      | 5      |
| 39 | бнк.                  | биноқорликка оид термин                                 | 5      |
| 40 | анат.                 | анатомияга оид термин                                   | 5      |
| 41 | биол.                 | биологияга оид термин                                   | 5      |
| 42 | геол.                 | геологияга оид термин                                   | 5      |
| 43 | иқд.                  | иқтисодиётга оид термин                                 | 5      |
| 44 | зоол.                 | зоологияга оид термин                                   | 5      |
| 45 | тар.                  | тарихга оид термин                                      | 5      |
| 46 | этно.                 | этноик сўзлар   | 16     |
| 47 | тех.                  | техникага оид термин                                    | 5      |
| 48 | мат.                  | математикага оид термин                                 | 5      |
| 49 | фал.                  | фалсафага оид термин                                    | 5      |
| 50 | фал.                  | транспортга оид термин                                  | 5      |
| 51 | мус.                  | музыкага оид термин                                     | 5      |


|       |                   |   |    |
|-------|-------------------|---|----|
| 26774 | agrometeorologiya | 2 | 5  |
| 26774 | agrometeorologiya | 2 | 5  |
| 26774 | agronom           | 1 |    |
| 36095 | agronomik         | 2 | 5  |
| 26772 | agronomiya        | 2 | 5  |
| 26771 | agronomik         | 1 |    |
| 2b/56 | agrosanoat        | 1 |    |
| 26762 | agroteknika       | 2 | 5  |
| 36094 | agroteknika ii    | 2 | 5  |
| 26761 | agroteknika       | 2 | 5  |
| 26756 | ag'yor            | 2 | 11 |
| 37204 | aha               | 1 |    |
| 26755 | ahamiyat          | 1 |    |
| 36093 | ahamiyatli        | 1 |    |
| 36092 | ahamiyatsiz       | 1 |    |
| 26754 | ahbob             | 2 | 19 |
| 26753 | ahd               | 1 |    |
| 3970  | ahdlashmoq        | 1 |    |
| 26752 | ahdnoma           | 1 |    |
| 2b/51 | ahd-paymon        | 1 |    |
| 36091 | ahil              | 1 |    |
| 26750 | ahilchilik        | 1 |    |
| 3969  | ahilchilashmoq    | 1 |    |
| 26749 | ahillik           | 1 |    |
| 26748 | ahkom             | 2 | 11 |
| 26747 | ahil              | 2 | 19 |
| 36089 | ahmoq             | 1 |    |
| 2b/49 | ahmoqqchilik      | 1 |    |
| 26733 | ahmoqqarchilik    | 2 | 16 |

6-расм: Маълумотлар базасида историзмларнинг тегланиши кўриниши


|     |                |      |   |        |
|-----|----------------|------|---|--------|
| 508 | uyilamoq       | fe'l | 2 | шв.    |
| 509 | uyimoq         | fc'l | 2 | с.т.   |
| 513 | uyatmoq        | fe'l | 2 | с.т.   |
| 527 | utmoq          | fe'l | 2 | шв.    |
| 534 | urtmoq         | fe'l | 2 | эск.   |
| 556 | umtilmoq       | fe'l | 2 | шв.    |
| 565 | ulimoq II      | fe'l | 2 | шв.    |
| 597 | tuxumlamoq     | fe'l | 2 | шв.    |
| 613 | tutanmoq       | fe'l | 2 | шв.    |
| 614 | tutamoq        | fe'l | 2 | шв.    |
| 617 | tuslamoq       | fe'l | 2 | тлш.   |
| 635 | tunqatmoq      | fe'l | 2 | фольк. |
| 677 | lovshillamoq I | fe'l | 2 | шв.    |
| 681 | tovlamoq I     | fe'l | 2 | с.т.   |
| 689 | tortgichlamoq  | fe'l | 2 | шв.    |
| 768 | tiraklashmoq   | fe'l | 2 | шв.    |
| 778 | tishovlamoq    | fe'l | 2 | шв.    |
| 789 | tirraqilamoq   | fe'l | 2 | с.т.   |
| 794 | tirmalamoq     | fe'l | 2 | шв.    |
| 820 | tinjiramog     | fe'l | 2 | фольк. |
| 824 | ting'shamoq    | fc'l | 2 | шв.    |

| Замон         | 3  | Замон шакллари  |   |
|---------------|----|---|---|
|               |    | Услубий бетараф   | Услубий хосланган   |
| ўтган замон   | 31 | -ди, -ган/кан/қан,<br>-ган эди/кан эди/қан эди,<br>-ган экан/ кан экан/ қан экан, -ган эмиш /-қан эмиш /-қан эмиш,<br>-б эди/+иб эди,<br>-увди/+овди,<br>-б(шахс-сон) экан/+иб(шахс-сон) экан,<br>-р эди/+ар эди, -рди/+арди, -ётган эди/+аётган эди, -ётганди/+аётганди,<br>-ётиб эди/+аётиб эди,<br>-гувчи эди, -йдиган эди/+адиган эди,<br>-моқда эди, -моқчи эди,<br>-б/+иб | - ганди/+канди/+қанди (сўзл.)<br>-ганақан/ +канақан/+канақан (сўзл.)<br>-ганмиш/ +канмиш/+канмиш (сўзл.)  |
| ҳозирги замон | 32 | -ётибди экан/+аётибди экан,<br>-ётиб(шахс-сон) экан/+аётиб(шахс-сон) экан,<br>-ётган экан/+аётган экан,<br>-ётган эмиш/+аётган эмиш,<br>-ётганмиш/+аётганмиш,<br>-яп,<br>-япти экан,<br>-япти эмиш,<br>-яп+(шахс-сон)+екан(шахс-сон),<br>-яп+(шахс-сон)+емиш,<br>-+яп+(шахс-сон)+миш,<br>-яп+(шахс-сон)+эмиш(шахс-сон),<br>-яп+(шахс-сон)+миш(шахс-сон)<br>-ётиб/+аётиб         | -яптикан (сўзл.)<br>-яптиммиш (сўзл.)<br>-яп+(шахс-сон)+экан<br>-ётир/+аётир (ёзма нутқ)<br>-ётир экан/+аётир экан (ёзма нутқ)<br>-моқда (ёзма нутқ)<br>-моқда эмиш (сўзл.)<br>-моқдамиш (сўзл.)<br>-моқда экан (сўзл.)<br>-йдиган эмиш/+адиган эмиш (сўзл.)<br>-йдиганмиш/+адиганмиш (сўзл.) |
| келаси замон  | 33 | -й/+а,<br>-йди экан/+ади экан,<br>-йди эмиш/+ади эмиш,<br>-р/+ар,<br>-р эмиш/+ар эмиш, //+рмиш/+армиш,<br>-р экан/+ар экан,<br>-моқчи,<br>-моқчи эмиш,<br>-моқчи-экан,<br>-йдиган/+адиган,<br>-йдиган экан/адиган экан,<br>-й/+ай деди  | -яжак/+ажак (бадий / публицистик)<br>-гай/+кай/+қай (бадий / публицистик)<br>-гу/+ку/+ку(шахс-сон) дид<br>-ркан/+аркан (бадий / публицистик)<br>-моқчиммиш (сўзл.)<br>-ур (бадий / публицистик)<br>-гуси (бадий / публицистик)  |

Ўзбек тили таълимий корпусининг асосий интерфейси



Сўзнинг услубий хослинини лугатлар базасидан кидириш функцияси



РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ  
СТЕПЕНИ DScC.03/30.12.2019.FIL.19.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И  
ЛИТЕРАТУРЫ ИМЕНИ АЛИШЕРА НАВОИ

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ  
УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ ИМЕНИ АЛИШЕРА НАВОИ

ЭЛОВА ДИЛРАБО КУДРАТИЛЛАЕВНА

ПРИНЦИПЫ СОЗДАНИЯ И ЛИНГВИСТИЧЕСКОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ  
СТИЛИЧЕСКИХ ОБОЗНАЧЕНИЙ ЕДИНИЦ КОРПУСА УЗБЕКСКОГО  
ЯЗЫКА

10.00.11 - Теория языка. Прикладная и компьютерная лингвистика

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2022.2.PhD/Fil12705

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои (<https://www.tsuull.uz>) и на информационно-образовательном портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** Хамраева Шахло Миржановна  
доктор филологических наук (DSc), доцент

**Официальные оппоненты:** Холманова Зулхумор Турдиевна  
доктор филологических наук, профессор

Холиёров Урал Менглиевич  
доктор филологических наук (PhD), доцент


**Ведущая организация:** Каршинский государственный университет


Защита диссертации состоится «2» «11» 2022 года в «12.00» часов на заседании Научного совета DSc.03.30.12.2019.Fil.19.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои (Адрес: 100100, г. Ташкент, Якккасарайский район, ул. Юсуфа Хос Хаджиба, 103. Тел: (71) 281-42-44; факс: (71) 281-42-44; факс: (71) 281-42-44, (<https://www.tsuull.uz>).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои (зарегистрировано за № 225). (Адрес: 100100, г. Ташкент, Якккасарайский район, улица Юсуфа Хос Хожиба, 103. Тел: (71) 281-42-44; факс: (71) 281-42-44; факс: (71) 281-42-44, ([www.tsuull.uz](http://www.tsuull.uz)).

Автореферат диссертации разослан «24» 10 2022 года.  
(Протокол реестра № 1 от «24» 10 2022 года).

  
**Ш.С. Сирожидинов**  
Председатель Разового Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.н., профессор

  
**К.У. Пардаев**  
Ученый секретарь Разового Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.н., доцент

  
**С.Х. Мухамедова**  
Председатель Разового научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировом языкознании ускорился процесс изучения проблем компьютерной и корпусной лингвистики. Расширились информационно-поисковая система, автоматический перевод, тезаурус, использование электронных словарей, возможности автоматической обработки текста, появилось множество типов языковых корпусов, различающихся по назначению. С расширением областей автоматической обработки текстов искусственного интеллекта, возникла необходимость использовать достижения компьютерной лингвистики при изучении языка, лингводидактики, лексикографии, перевода, стилистики.

В области компьютерной лингвистики, стремительно развивающейся в мировой лингвистике, актуальным вопросом стала обработка естественного языка, повышение качества запроса и ответа, использование корпуса в лингвистических исследованиях, лингводидактике, лексикографии. В языкознании, в частности в области компьютерной лингвистики, проблема выбора корпусных единиц, их лингвистической, в том числе морфологической, семантической, синтаксической и стилистической разметки, разработки системы стилистических тегов, создания языкового обеспечения, включающего специфическую информацию для языкового корпуса и выделяющего стилистические специфики остается актуальной проблемой.

В Узбекистане за годы независимости в компьютерной лингвистике проведен ряд работ по автоматическому переводу, созданию языковых корпусов, разработке алгоритмов для различных возможностей корпусов. В языкознании, наряду со всеми научными направлениями, указывает на необходимость глубоких исследований по интеграции дисциплины.

Достижение “созданию национального корпуса узбекского языка в электронном виде, включающего всю научную, теоретическую и практическую информацию об узбекском языке”<sup>1</sup> в нашей страны, широкого применения узбекского языка в современной информационно-коммуникационной системе изучение нашего национального и культурного наследия, увеличение электронных ресурсов в образовании на родном языке, а также неограниченное использование этих ресурсов учащимися, объединение культурного наследия и учебных словарей на одной платформе, служащей национально-духовному воспитанию стало актуальной задачей. Данное исследование предусматривает внедрение функции выделения стилистической специфики слов и аффиксов в корпусе узбекского языка, создание системы стилистических информационных тегов, разработку стилистической специфической базы узбекских лексических единиц. Это послужит формированию научно-технической базы, обеспечивающей социальное развитие республики. Одной из актуальных задач корпусной лингвистики является внедрение функции выделения стилистической специфики слов и аффиксов в корпусе узбекского языка,

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. М. Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида – Тошкент: Ўзбекистон, ПФ-6084-сон 2020. – Б 6 // <https://lex.uz/docs/5058351>

создание системы стилистически-информационного тега, разработка стилистически специфической базы узбекских лексических единиц.

Указ Президента Республики Узбекистан от 13 мая 2016 года УП-4797 “Об организации Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои”, от 7 февраля 2017 года УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, от 21 октября 2019 года УП-5850 “О мерах по радикальному повышению престижа и статуса узбекского языка как государственного языка, от 20 октября 2020 года УП-6084 “О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка”, от 29 октября 2020 г. УП-6097 “Об утверждении Концепции развития науки до 2030 г.”, от 17 февраля 2017 года ПП-2789 “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управлению и финансированию исследований”, от 13 сентября 2017 года ПП-3271 “О комплексной программе мероприятий по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению и развитию культуры чтения и чтения” и других нормативных актов, связанных с этой деятельностью, эта исследовательская работа в определенной степени служит процессу достижения поставленных целей и задач.

**Взаимосвязь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Данная диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики «Формирование и пути реализации системы социальных, правовых, экономических инновационных идей информационного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** Несмотря на то, что корпусная лингвистика является новым направлением в мировой лингвистике, в этой области проведены множество целенаправленных исследований.

Взгляды составителей корпуса Брауна Н. Фрэнсиса, Г. Кучеры о принципах построения корпуса, теоретические и практические предложения таких учёных как В. Захаров, А. Кутузов, Е. Недошивина, В. Рыкова, В. Плунгян в русском языкознании, можно считать первыми исследованиями<sup>2</sup> по корпусу. Эти специалисты изучали корпус, его виды, особенности, социальную значимость корпуса, принципы построения корпуса<sup>3</sup>. Хотя изучение стилистики в мировом языкознании имеет давнюю историю, изучение функции определения стилистической специфики в языковых корпусах нам неизвестно. Узбекская корпусная лингвистика обретает уникальный исследовательский путь с аналогичными исследованиями и практическими разработками.

<sup>2</sup> Фрэнсис Н., Кучера Г. Вычислительный анализ современного американского варианта английского языка. – М., 1967.

